

**“Янгибозор пахта тозалаш” акциядорлик жамияти  
акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилишининг  
1-сонли БАЁННОМАСИ**

2020 йил 7 август

Хоразм вилояти  
Янгибозор тумани  
Беруний кўчаси 1-уй

Умумий йиғилишнинг ўтиш жойи: Хоразм вилояти, Янгибозор тумани, Беруний кўчаси, 1-уйда “Янгибозор пахта тозалаш” АЖ маъмурий биносининг мажлислар зали.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш бошланган вақт: **10:00**

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугаган вақт: **10:50**

Акциядорлар умумий йиғилиш бошланган вақт: **11:00**

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони – **383 652**.

“Янгибозор пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши (келгусида матн давомида - Йиғилиш) жамият бош директорининг 2020 йил 13 июлдаги 01/98-сон таклиф хати инobatга олиниб, кузатув кенгаши томонидан 2020 йил 16 июлда қабул қилинган қарорга мувофиқ ўтказилмоқда.

Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар реестри тузилган сана – 2020 йил 3 август.

“Хоразмпахтасаноат ҳудудий бирлашмаси” АЖ бошқарув раиси вазифасини вақтинча бажарувчи Қ. Ғоипов йиғилиш раёсатини сайлаш бўйича таклиф берди.

Акциядорлар томонидан очик овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилиш раёсатига қуйидагилар сайланди:

1. Қ.Ғоипов - “Хоразмпахтасаноат ҳудудий бирлашмаси” АЖ бошқарув раиси вазифасини вақтинча бажарувчи – Йиғилишда раислик қилувчи;

2. Одилбек Тажибоевич Ахманов - жамият акциядори;

Йиғилиш раёсати аъзоси О. Ахманов малака ва тажрибага эга бўлган “Хоразмпахтасаноат ҳудудий бирлашмаси” АЖ бошқарув раиси вазифасини вақтинча бажарувчи Қ. Ғоиповни йиғилишда раислик қилувчи этиб ва жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизмати бошлиғи Р.Жумамуратовни йиғилиш котиби этиб сайлаш таклифини киритди.

Акциядорлар томонидан очик овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилиш раёсатига қуйидагилар сайланди:

“Хоразмпахтасаноат ҳудудий бирлашмаси” АЖ бошқарув раиси вазифасини вақтинча бажарувчи Қ. Ғоипов - Йиғилишда раислик қилувчи;

Жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизмати бошлиғи Р.Жумамуратовни йиғилиш котиби этиб сайланди.

Йиғилишни, йиғилишда раислик қилувчи Қ. Ғоипов очди ва акциядорлар ҳамда йиғилиш қатнашчиларини кутлаб, йиғилиш кворуми бўйича ахборот бериш учун сўзни санoқ комиссияси аъзоси Р.Жумамуратовга берди.

Санок комиссияси ахбороти:

“Қимматли қоғозлар Марказий Депозитарийси” томонидан 2020 йил 3 август ҳолатига шакллантирилган “Янгибозор пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорлар реестрига мувофиқ, йиғилишда овоз бериш учун **567** та акциядорга тегишли **383652** дона акциялар қатнашиши мумкин. Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш вақти тугаганда, умумий миқдорда **248004** дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган **25** та акциядор (унинг вакили) рўйхатдан ўтди.

Бу эса умумий овоз берувчи акцияларнинг **64.64 %** ни ташкил этади ва йиғилиш ваколатли (кворумга эга) ҳисобланади.

Йиғилишга таклиф этилганлар:

Ш.Жумамуротов - Жамият бош директори в.б;

С.Халмурадов – Жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори – бош бухгалтер;

Пахта тозалаш корхоналари акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши кўн тартибига киритилган жамиятнинг 2019 йил якунлари бўйича аудиторлик ташкилотларининг хулосаларини тасдиқлаш, жамиятнинг 2019 йиллик ҳисоботини тасдиқлаш ва жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш масалаларини кўрмасдан қолдириш (овоз бермаслик) сўралган “Ўзпахтасаноат” АЖ ни тугатиш бўйича “Лойиха офиси” раҳбари А.Норбоевнинг 2020 йил 26 июндаги АН/183 сонли хатини йиғилишда раислик қилувчи Қ.Ғоипов ўқиб эшиттирди ва йиғилиш кўн тартибини эълон қилди.

### Кўн ТАРТИБИ:

1. Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
3. Жамият ижроия органи раҳбарининг 2019 йилдаги фаолияти тўғрисидаги жамият бош директорининг ҳисоботини эшитиш.
4. Жамият кузатув кенгашининг 2019 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини эшитиш.
5. Жамият ижроия органи раҳбари Тажибаев Хамиджон Бахтиярович билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш билан боғлиқ қарорни маъқуллаш.
6. Жамият ижроия органи раҳбари Жумамуротов Шерали Отабаевич билан тузилган меҳнат шартномасининг муддатини узайтиришни кўриб чиқиш.
7. Жамиятнинг 2019 йил якунлари бўйича аудиторлик ташкилотларининг хулосаларини тасдиқлаш.
8. Жамиятнинг 2019 йиллик ҳисоботини ва 2020 йил учун мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш.
9. Жамиятнинг 2019 йил якунлари бўйича молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра тафтиш комиссияси хулосасини эшитиш.
10. Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш.
11. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.



12. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.
13. Жамиятнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.
14. Жамиятнинг янги таҳрирдаги “Кузатув кенгаши тўғрисида” ги ва “Тафтиш комиссияси тўғрисида” ги Низомларни тасдиқлаш.
15. Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.
16. Жамият уставини янги таҳрирда тасдиқлаш.
17. Жамиятнинг аффилланган шахслари билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимларни тасдиқлаш.
18. Жамиятда 2019 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.
19. Жамият активларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш, жумладан мулкларни оммавий савдоларда сотиш, маҳаллий ҳокимият ёки давлат бошқарув органлари балансига ўтказишни кўриб чиқиш, жамиятга қарашли ёрдамчи хўжаликни (чорвачилик фермаси ва паррандачилик комплекси) масъулияти чекланган жамиятга айлантириш.
20. Жамият томонидан 2019 йил давомида амалга оширилган ҳомийлик ва бегараз ёрдамларни тасдиқлаш ҳамда жамият харажатига олиб бориш.
21. Қонунчиликда белгиланган даъво муддати ўтган жамиятнинг дебиторлик ва кредиторлик (шу жумладан дивидендлардан) қарздорликларини ҳисобдан чиқаришни кўриб чиқиш ҳамда бухгалтерия ҳужжатларда тегишли ёзувларни киритиш.
22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришларини янада ривожлантиришга доир кўшимча чўра-тадбирлар тўғрисида” ги 2018 йил 19 сентябрдаги 744-сон қарорига асосан пахта тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ташкилотчиларига инвестиция киритган ҳолда, 5 йил муддатда бўлиб тўлаш (тенг миқдордаги йиллик тўловлар) шарти билан баҳолаш қийматида пахта тозалаш корхонаси ва унга қарашли пахта тайёрлов масканларининг бино-иншоотларини кластер ташкилотларига сотиш билан боғлиқ йирик битим тўзиш тўғрисида.

*Кун тартиби эълон қилинганидан сўнг, муҳокамага ўтилди.*

**Кун тартибидаги биринчи масала бўйича** йиғилиш раиси Қ.Ғоипов сўзга чиқиб, йиғилиш иштирокчиларига қуйидагиларни маълум қилди:

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 66-моддасига асосан овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланиши белгиланган.

Шунга асосан, жамият кузатув кенгашинининг 2020 йил 16 июлдаги йиғилиш қарорига кўра санок комиссияси таркибига жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлим бошлиғи -Р.Жумамуратов, Ходимларни бошқариш хизмати бошлиғи -А.Купаков, Моддий техника ресурслари,маъмурий хўжалик кўриқлаш хизмати бошлиғи - Д.Сапарбоев номзодларини киритиш таклифи берилган бўлиб, жамият акциядорларидан санок комиссияси сони ҳамда таркибини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

“Ёқлаганлар”-247815 та овоз билан 64,6%; “Қаршилар”- йўқ;

“Бетарафлар”-189 та овоз билан 0.04%

**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. “Янгибозор пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши санок комиссияси уч кишидан иборат куйидаги таркибда тасдиқлансин:

- |                   |                        |
|-------------------|------------------------|
| 1. Р.Жумамуратов. | Санок комиссия раиси;  |
| 2. А.Купаков.     | Санок комиссия аъзоси; |
| 3. Д.Сапарбаев.   | Санок комиссия аъзоси. |

**Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи Қ.Ғоипов сўзга чиқиб, йиғилиш регламентини йиғилиш қатнашчиларига ўқиб эшиттирди. Мазкур йиғилиш кун тартибида 22 та масала кўрсатилганлиги ва юқорида айтилган айрим масалалар кўрилмасдан (овоз берилмасдан) қолишини, хозирги карантин даврида йиғилишларни онлайн тарзда ўтказиш тавсия қилинганлиги, лекин бизда бундай имконият йўқлиги сабабли йиғилишни қисқа вақт ичида яқунлашни таклиф қилди ва ҳар бир масала бўйича маърузачига – 2-3 (икки-уч) дақиқадан, муҳокамага чиқувчилар учун – кўпи билан 5(беш) дақиқа вақт ажратган ҳолда умумий йиғилиш регламентини тасдиқлаш мақсадга мувофиқ эканлигини айтиб, жамият акциядорларидан акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши регламентини ушбу таклиф бўйича тасдиқлаш масаласига ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

“Ёқлаганлар”-247 815 та овоз билан 64,6 % “Қаршилар”-йўқ;

“Бетарафлар”-149 та овоз билан 0.04%

**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

**1. Жамият акциядорлари йиллик умумий йиғилишининг регламенти тасдиқлансин.**

**Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича** йиғилиш раиси Қ.Ғоипов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва



акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 79-моддасига асосан жамият директорининг, жамият бошқаруви аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тегишинча ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларида, жамият уставида ҳамда уларнинг ҳар бири жамият билан бир йил муддатга тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилиниши тўғрисида маълумот берди.

Жамият бош директори в.б Тажибоев Хамиджон Бахтияровичнинг ўз аризасига асосан жамият Кузатув кенгашининг 2019 йил 30 августдаги йиғилиш баёни қарори билан меҳнат шартномаси бекор қилинганлигини айтиб ўтди.

Йиғилишда раислик қилувчи Қ.Ғоипов акциядорлардан жамият бош директори в.б Х.Тажибоев билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганлигини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

“Ёқлаганлар”-248 004 та овоз билан 64.64%“Қаршилар”-йўқ;  
“Бетарафлар”- йўқ.

**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Қон тартибидаги бешинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

**1.Жамият Бош директори Тажибоев Хамиджон Бахтиярович билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги тасдиқлансин.**

**Қон тартибидаги олтинчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи Қ. Ғоипов сўзга чиқиб, “Хоразм минтақавий пахта терминали” МЧЖнинг 2019 йил 26 августдаги 01/492-сонли тавсия хатида “Янгибозор пахта тозалаш” АЖ бош директори вазифасини бажарувчи лавозимига 2019 йил якуни бўйича ўтказиладиган жамият акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилишигача Жумамуротов Шерали Отабаевични тайинлаш таклифи киритилганди.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 79-моддасида жамият директори билан шартнома жамият номидан жамият кузатув кенгашининг раиси ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланиши кўрсатилган, шунга кўра жамият кузатув кенгашининг 2019 йил 30 августдаги 1-сонли йиғилиш қарорига асосан, “Янгибозор пахта тозалаш” АЖ бош директори вазифасини бажарувчи лавозимига 2019 йил якуни бўйича ўтказиладиган жамият акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилишигача Жумамуротов Шерали Отабаевични тайинланган ва меҳнат шартномаси тузилган. Жамият Кузатув кенгашининг 2019 йил 30 августдаги қарори билан тайинланган ижроия органи раҳбари Жумамуротов Шерали Отабаевични тайинлаш ва у билан меҳнат шартномасини бир йил муддатга тузиш яъни 2020 йил якуни бўйича ўтказиладиган жамият акциядорларининг навбатдаги умумий таклифини

йиғилиш иштирокчилари муҳокамасига киритди ҳамда акциядорларга кун тартибидаги мазкур масала бўйича берилган таклифга ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу маласа юзасидан овоз бериш натижалари:**  
“Ёқлаганлар”-248 004 та овоз билан 64,64% “Қаршилар”- йўқ ;  
“Бетарафлар”-йўқ.

**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

**1. 2020 йил якуни бўйича ўтказиладиган жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилишигача бир йил муддатга “Янгибозор пахта тозалаш” АЖ ижроия органи раҳбари этиб Жумамуротов Шерали Отабаевич тайилансин.**

**2. “Янгибозор пахта тозалаш” АЖ кузатув кенгаши, жамият ижроия органи раҳбари Жумамуротов Шерали Отабаевич билан белгиланган тартибда меҳнат шартномасини тузилишини таъминласин.**

**3. Жамият ижроия органи раҳбари Жумамуротов Шерали Отабаевич ўз вазифаларини бажариш даврида барча бирламчи ва банк ҳужжатларига биринчи имзо қўйиш ҳамда жамият Уставида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлардан қонун доирасида фойдаланиш ҳуқуқи берилсин.**

**Кун тартибидаги ўн биринчи масала бўйича** йиғилиш раиси Қ.Ғоипов акциядорларга қуйидагиларни маълум қилди, жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш учун жамиятнинг 248004 дона акция эгаси томонидан кўрсатилган номзодлар тўғрисида маълумот берди.

Унга асосан Ғоипов Қўзибой Қадамбоевич - “Хоразм минтақавий пахта терминали” МЧЖ директор ўринбосари, Саидов Илхом Сайдуллаевич- “Ўзпахтасаноат” АЖ бош мутахассиси, Бойкулов Эгамберди Мусурмонкулович - “Ўзпахтасаноат” АЖ бош мутахассиси, Қурбанов Азамат Шарифович - Давлат активларини бошқариш агентлиги, Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси бош мутахассиси, Хусаинова Кундузхон Равшанбековна - “Хоразм минтақавий пахта терминали” МЧЖ қимматли қогозлар бўйича иқтисодчиси, Собиров Одамбой Мухаммадович - “Ўзпахтасаноат” АЖ Бошқарма бошлиғи ўринбосари, Зарипов Дилмурод Бахромович - Давлат активларини бошқариш агентлиги, Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси Бошқарма бошлиғи, Алламова Диляра - акциядор, Ахманов Одилбек Тажибоевич – акциядор номзодлари белгиланган тартибда кузатув кенгаши таркибига сайланиши учун кўрсатилган ва кумулятив овоз бериш бўйича бюллетенларига киритилган.

Муҳокамадан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Қ.Ғоипов акциядорлардан кузатув кенгашига кўрсатилган номзодларни сайлаш учун ўз муносабатларини кумулятив овоз бериш бўйича тузилган бюллетенлар орқали билдиришларини сўради.



Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Хоразмпахтасаноат хўдудий бирлашмаси” АЖ томонидан кўрсатилган номзодлардан:

Ғоипов Қўзибой Қадамбоевичга:

“Ёқлаганлар” – 377 190 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Саидов Илхом Сайдуллаевичга:

“Ёқлаганлар” – 2000 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Бойқулов Эгамберди Мусурмонқуловичга:

“Ёқлаганлар” – 199 172 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Қурбанов Азамат Шарифовичга:

“Ёқлаганлар” – 197660 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Хусаинова Қундузхон Равшанбековнага:

“Ёқлаганлар” – 198 852 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Собиров Одамбой Мухаммадовичга:

“Ёқлаганлар” – 195 660 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Зарипов Дилмурод Бахромовичга:

“Ёқлаганлар” – 195660 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Алламова Дилярага:

“Ёқлаганлар” – 0 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Ахманов Одилбек Тажибоевичга:

“Ёқлаганлар” – 369 834 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Қун тартибидаги ўн биринчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

Жамият кузатув кенгаши аъзолигига қуйидагилар сайлансин:

“Хоразмпахтасаноат хўдудий бирлашмаси” АЖ томонидан кўрсатилган номзодлардан:

1. Ғоипов Қўзибой Қадамбоевич -“Хоразм минтақавий пахта терминали” МЧЖ директор ўринбосари;

2. Бойқулов Эгамберди Мусурмонқулович - “Ўзпахтасаноат” АЖ бош мутахассиси;

3. Қурбанов Азамат Шарифович- “Давлат активларини бошқариш агентлиги” Хоразм вилояти хўдудий бошқармаси мутахассис;

4. Хусаинова Қундузхон Равшанбековна -“Хоразм минтақавий пахта терминали” МЧЖ қимматли қоғозлар бўйича иқтисодчиси;

5. Собиров Одамбой Мухаммадович - “Ўзпахтасаноат” АЖ Бошқарма бошлиғи ўринбосари;

6. Зарипов Дилмурод Бахромович – “Давлат активларини бошқариш агентлиги” Хоразм вилояти хўдудий бошқармаси бошқарма бошлиғи;

7. Ахманов Одилбек Тажибоевич – жамият акциядори.

Қун тартибидаги ўн иккинчи масала бўйича йиғилишга раислик қилувчи Қ.Ғоипов сўз олди ва жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш учун жамиятнинг 195660 дона акция эгаси 51 фоиз акция улуши эгаси “Хоразмпахтасаноат хўдудий бирлашмаси” АЖ томонидан кўрсатилган номзодлар тўғрисида маълумот берди.

“Хоразмпахтасаноат худудий бирлашмаси” АЖ томонидан кўрсатилган номзодлар қуйидагилар:

1. Отабаев Нурали Шерали ўғли - “Хоразм минтақавий пахта терминали” МЧЖ бўлим бошлиғи;
2. Юлдашев Ғайратбек Салаевич - “Хоразм минтақавий пахта терминали” МЧЖ бўлим бошлиғи;
3. Қаландарова Хуршида Эркиновна - “Хоразм минтақавий пахта терминали” МЧЖ мутахасиси;

Муҳокамадан сўнг, йиғилиш раиси Қ.Ғоипов акциядорлардан тафтиш комиссиясига кўрсатилган номзодларни сайлаш учун ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

“Ёқлаганлар”-248 004 та овоз билан 64.64% “Қаршилар”- йўқ;  
“Бетарафлар”-йўқ.

**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги ўн иккинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

**Жамият тафтиш комиссияси аъзолигига қуйидагилар сайлансин:**

1. Отабаев Нурали Шерали ўғли - “Хоразм минтақавий пахта терминали” МЧЖ бўлим бошлиғи;
2. Юлдашев Ғайратбек Салаевич - “Хоразм минтақавий пахта терминали” МЧЖ бўлим бошлиғи;
3. Қаландарова Хуршида Эркиновна-- “Хоразм минтақавий пахта терминали” МЧЖ мутахассиси

**Кун тартибидаги ўн учинчи масала бўйича** жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директор – бош бухгалтер С. Халмурадов сўзга чиқиб, замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий қилиш ва ишлаб чиқариш заруриятига кўра жамиятнинг янги ташкилий тузилмаси билан йиғилиш қатнашчиларни таништирди. (**Илова тақдим қилинади**)

Янги ташкилий тузилма Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касбларининг классификаторига асосан ишлаб чиқилганлигини маълум қилинди.

Бундан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Қ.Ғоипов акциядорлардан жамиятнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

“Ёқлаганлар” – 248 004 та овоз билан 64,64%; “Қаршилар”- йўқ;  
“Бетарафлар”- йўқ.

**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги ўн учинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

**1.Жамиятнинг янги ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**



**Кун тартибидаги ўн тўртинчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи Қ.Ғоипов сўзга чиқиб, жамиятнинг Уставига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар муносабати билан жамиятнинг “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги ва “Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги ва Низомларини ҳам янги тахрирларини тасдиқлаш таклиф этилди ҳамда ушбу ҳужжатларнинг лойиҳалари билан акциядорлар таништирилди.

Муҳокамадан сўнг, акциядорлардан мазкур масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришлари сўралди.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

“Ёқлаганлар” – 248 004 та овоз билан 64,64%; “Қаршилар”- йўқ;  
“Бетарафлар”- йўқ.

**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги ўн тўртинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

**1. Жамиятнинг янги тахрирдаги “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги ва “Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги Низомлар 2 ва 3-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.**

**2. Жамият ижроия органи раҳбарига:**

-жамиятнинг янги тахрирдаги “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги ва “Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги Низомларини жамият фаолиятига татбиқ этиш бўйича тегишли чораларни кўрсин.

**Кун тартибидаги ўн бешинчи масала бўйича** жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директор-бош бухгалтер С.Халмурадов сўзга чиқиб, жамиятда 2020 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини шу жумладан халқаро стандартларга мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботларнинг халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудиторлик текширувидан ўтказиш учун аудиторлик ташкилотларидан жамиятга келиб тушган қуйидаги тижорат таклифлари билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди:

№	Аудиторлик ташкилотининг номи	Мурожаат санаси ва рақами	Миллий аудит стандартларга мувофиқ аудиторлик текшируви, минг сўмда	Халқаро аудит стандартларга мувофиқ аудиторлик текшируви, минг сўмда
1	“UHY Tashkent LLC” МЧЖ	18.05.2020 й. № 03 X	9775.0	
2	“Audit - Union” МЧЖ	15.05.2020 йил №12/02	10000.0	8000.0

Муҳокама давомида жамият акциядори О.Ахманов жамиятга келиб тушган тижорат таклифларни инобатга олган ҳолда, ташқи аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотлари орасидан малакали

мутахассисларга ҳамда энг қулай нархларга эга бўлган аудиторлик ташкилотини танлаш зарурлигини билдирди.

Ўзбекистон Республикаси “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 16-моддасига асосан аудиторлик ташкилоти айнан бир хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятини кетма-кет уч йилдан ортиқ аудиторлик текширувидан ўтказишга ҳақли эмас. Юқорида кўрсатилган 2 та аудиторлик ташкилотлари кетма-кет уч йилдан ортиқ жамиятни аудиторлик текширувдан ўтказишга ҳақли эмас.

Йиғилиш раиси Қ.Ғоипов акциядорларидан 2020 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини шу жумладан халқаро стандартларга мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботларнинг халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувидан ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш масаласи бўйича ўз маносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

Кун тартибидаги ўн бешинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

**1. 2019 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини:**

-Миллий аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш учун “UNY Tashkent” LLC аудиторлик ташкилоти танлансин ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг миқдори - 9 775 000 сўм белгилансин;

-Халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш учун “Audit - Union” МЧЖ аудиторлик ташкилоти танлансин ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг миқдори - 8 000 000 сўм белгилансин.

**2. Жамият ижроия органи раҳбарига:**

-юқорида кўрсатилган аудиторлик ташкилотлари билан белгиланган тартибда шартномаларни тузсин;

-қонунчиликда белгиланган муддатларда жамият Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва кузатув кенгашига аудиторлик текшируви натижалари бўйича ҳисобот ва хулосаларни киритсин.

Кун тартибидаги ўн олтинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Қ.Ғоипов сўзга чиқиб, акциядорларни жамият ижроия органи томонидан тайёрланган жамиятнинг янги таҳрирдаги устави лойиҳаси билан таништирди.

Шундан сўнг, жамият Бош директори в.б. Ш.Жумамуротов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Пахтачилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2017 йил 28 ноябрдаги ПҚ-3408-сон Қарори қабул қилинганлиги ва жамият жойлаштирилган акцияларга қўшимча равишда жойлаштиришга ҳақли бўлган эълон қилинган акцияларнинг миқдори ўзгарганлиги муносабати билан жамият уставини янги таҳрирда тасдиқлаш таклифини киритди.

Муҳокамадан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Қ.Ғоипов акциядорлардан жамият уставини янги таҳрирда тасдиқлаш бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**



“Ёқлаганлар” – 248 004 та овоз билан 64,64%; “Қаршилар”- йўқ;  
“Бетарафлар”- йўқ.

### **Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги ўн олтинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

**1. Жамият Уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

**2. Жамият ижроия органи раҳбарига:**

**-қонунчиликда белгиланган муддатда ва тартибда жамиятнинг янги таҳрирдаги Уставини давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;**

**Кун тартибидаги ўн еттинчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи Қ. Ғоипов “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 88-моддасига асосан жамиятнинг акциядорларнинг умумий йиғилиши аффилиланган шахс билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) маъқуллаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақлилигини айтди.

Йиғилишда раислик қилувчи Қ.Ғоипов акциядорларга кун тартибидаги мазкур масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришни таклиф этди.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

“Ёқлаганлар” – 248 004 та овоз илан 64,64%; “Қаршилар”- йўқ;  
“Бетарафлар”- йўқ.

### **Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги ўн еттинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

**1. Жамиятнинг аффилиланган шахслари билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимлар рўйхати 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

**Кун тартибидаги ўн саккизинчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи Қ.Ғоипов сўзни жамият бош директори в.б. Ш.Жумамуротовга сўз берди.

Ш.Жумамуротов жамиятнинг 2020 йил якунлари бўйича корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш – “Audit - Union” МЧЖ томонидан ўтказилганлигини маълум қилиб, ушбу ташкилотнинг 2020 йил 9-июндаги хулосани акциядорларга ўқиб эшиттирди. Хулосага асосан, жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимида бир қанча камчиликлар аниқланган ва жамият корпоратив бошқарув тизими даражаси – 455 баллга баҳоланган, яъни қониқарли деб эътироф этилган.

Шундан сўнг Қ. Ғоипов сўзга чиқиб, Корпоратив бошқарув кодексига асосан жамиятларда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларида аниқланган камчиликларни бартараф қилиш бўйича чоралар кўриш ижроия органи зиммасига юклатилганлигини айтиб ўтди.

Йиғилишда раислик қилувчи Қ. Ғоипов акциядорларга жамиятда 2019 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш бўйича берилган хулосани маълумот бўйича қабул қилиш бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришни таклиф этди.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**  
“Ёқлаганлар” – 248 004 та овоз илан 64,64%; “Қаршилар” - йўқ;  
“Бетарафлар” - йўқ.

**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги ўн саккизинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

**1. Жамиятда 2019 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижалари бўйича “Audit - Union” МЧЖ нинг хулосаси маълумот учун қабул қилинсин.**

**2. Жамият ижроия органи раҳбарига:**

- 2019 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли чораларни кўрсин ва икки хафта муддат ичида жамият кузатув кенгашига йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар киритсин.

**Кун тартибидаги ўн тўққизинчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи Қ. Ғоипов сўзни жамият бош директори в.б Ш.Жумамуротовга берди.

Хукумат топшириғига кўра 10 000 бош парранда боқишга мўлжаллаб 2010 йилда қурилиб ишга туширилган 924,1 кв.м бино авария ҳолатида эканлиги ва 7-8 йилдан бери паррандачилик йўналишидаги ишлар тўхтаб қолганлиги, чорвачилик фермасидаги ахвол ундан хам ачинарли эканлиги, қорамоллар учун хатто дағал хашак захираси йўқлиги, омукта ем олиш учун маблағ ажратилмаётганлиги, чорвачилик фермасига қарашли экин майдони 2018 йилда ҳоким захирасига қайтариб олинганлиги, сут ва гўшт маҳсулотларини етиштириш имкони йўқлиги, чорвачилик фермаси охириги йилларда зарар билан ишлаётганлиги тўғрисида гапириб ўтди.

“Ўзпахтасаноат” АЖ нинг 2019 йил 20 декабрдаги Т-02-20-287 сонли хатида кластерга ўтган пахта тозалаш акциядорлик жамиятларида ходимлар (штат) сонини қисқартириш, ортиқча тўловларга йўл қўймаслик, корхонага қарашли ёрдамчи хўжаликни тугатиш ёки алоҳида масъулияти чекланган жамиятга айлантириш топшириғи берилганлиги тўғрисида гапириб ўтди.

Йиғилишда раислик қилувчи Қ. Ғоипов акциядорларга мазкур кун тартибидаги масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришни таклиф этди.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**  
“Ёқлаганлар” – 248 004 та овоз билан 64,64%; “Қаршилар” - йўқ;  
“Бетарафлар” - йўқ.

**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги ўн тўққизинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:



**1. Жамиятга қарашли парранда боқишга мўлжалланган бино авария ҳолатида эканлиги, ёрдамчи хўжалик фермада ҳам ҳолат ачинарли эканлиги, охириги йилларда зарар билан ишлаётганлиги, жамиятда ходимлар (штат) сонини қисқартириш, ортиқча тўловларга йўл қўймаслик учун корхонага қарашли ёрдамчи хўжалик ферма тугатилиб, алоҳида масъулияти чекланган жамиятга айлантирилсин ва белгиланган тартибда бино-иншоотлар, бошқа асосий воситалар ва қорамолларни қолдиқ қийматида сотиш чоралари кўрилсин. Ёрдамчи хўжалик ферма, дам олиш хонаси, омборхона ва дарвозалари баҳоланган қийматда сотиш чоралари кўрилсин.**

**Кун тартибидаги йигирманчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи Қ.Ғоипов сўзни жамият молиявий масалалар бўйича директори С.Халмурадовга берди.

С.Халмурадов жамият томонидан 2019 йил давомида амалга оширилган хомийликлар тўғрисида акциядорларга ахборот берди.

Муҳокамада жамият бош директори Ш.Жумамуротов иштирок этиб, ҳар бир хомийлик мақсадли равишда Ҳукумат дастурлари асосида амалга оширилганлигини таъкидлаб, 2019 йил давомида жами 1 216 000 сўмлик хомийлик ва беғараз ёрдамларни тасдиқланишини ҳамда жамият харажатига олиб боришга розилик берилишини йиғилиш иштирокчиларидан сўради.

Йиғилишда раислик қилувчи Қ.Ғоипов акциядорларга мазкур кун тартибидаги масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришни таклиф этди.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

“Ёқлаганлар” – 248 004 та овоз билан 64,64%; “Қаршилар”- йўқ;  
“Бетарафлар”- йўқ.

**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги йигирманчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

**1. Жамият томонидан 2019 йил давомида амалга оширилган хомийлик ва беғараз ёрдамлар тасдиқлансин ва жамият харажатига олиб борилсин.**

**Кун тартибидаги йигирма биринчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи Қ.Ғоипов сўзни жамият молиявий масалалар бўйича директори С.Халмурадовга берди.

С.Халмурадов сўзга чиқиб, жамиятнинг дебиторлик ва кредиторлик қарздорликлари таҳлилини ўтказиш мақсадида Бош директор бошчилигида ишчи-гуруҳи тузилган ва мазкур ишчи-гуруҳининг хулосасига асосан 2020 йил 01 август ҳолатига қонунчиликда белгиланган даъво муддати ўтган жамиятнинг 16 140 842 сўмлик кредиторлик қарздорликлари мавжудлиги ҳақида маълумот берди (хулоса 6- илова қилинади).

Муҳокамада йиғилишда раислик қилувчи Қ.Ғоипов ушбу муддати ўтган кредиторлик қарздорликларни ҳисобдан чиқаришни ва бухгалтерия ҳужжатларига тегишли ёзувларни киритишни таклиф этди.

Кун тартибидаги йигирма иккинчи масала юзасидан йиғилишда раислик қилувчи Қ. Ғоипов акциядорларга ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришни таклиф этди.

### **Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

“Ёқлаганлар” – 248 004 та овоз билан 64,64%; “Қаршилар”- йўқ;  
“Бетарафлар”- йўқ.

### **Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги йигирма биринчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

**1. Жамиятнинг қонунчиликда белгиланган даъво муддати ўтган жамиятнинг кредиторлик қарздорликлари 6-иловадаги рўйхатга мувофиқ ҳисобдан чиқарилсин ҳамда бухгалтерия ҳужжатларига тегишли ёзувлар киритилсин.**

**2. Жамият ижроия органи раҳбарига:**

- жамиятнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг ошиб кетишига йўл қўймаслик бўйича тегишли чораларни кўриш;

- барча турдаги харажатлар қисқартирилишига эришиш юклатилсин.

**Кун тартибидаги йигирма иккинчи масала бўйича** - йиғилиш раислик қилувчи Қ. Ғоипов сўзни жамият бош директори в.б Ш.Жумамуротовга берди. Жамият бош директори в.б Ш.Жумамуротов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 сентябрдаги “Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришларини янада ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги 744-сонли қарори билан пахта тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ташкилотчиларига инвестиция киритган ҳолда, 5 йил муддатда бўлиб тўлаш (тенг миқдордаги йиллик тўловлар) шарти билан баҳолаш қийматида пахта тозалаш корхоналари ва уларга қарашли пахта тайёрлов масканлари бино ва иншоотларини кластер ташкилотларига сотиш белгиланганлиги ҳамда мазкур қарорга кўра “Янгибозор пахта тозалаш” АЖ нинг ишлаб чиқариш бино-иншоотлари ва пахта тайёрлов маскани бино-иншоотларини сотиб олувчи кластер ташкилоти қилиб “SHOVOT TEKSTIL” МСНҲ ҚК си рўйхатдан ўтказилганлиги, ҳозирги кунда баҳолаш ишлар давом қилдирилаётганлиги, шартномалар тузиш ишларини 2020 йил 15 август кунигача якунлаш чоралари кўрилаётганлиги тўғрисида гапирди.

Шундан сўнг, акциядор О. Ахманов сўзга чиқиб, жамият мол-мулкини мулкый мажмуа сифатида сотиб оладиган инвестор томонидан тўланадиган пул маблағлари 5 йил муддат билан тўлаб берилишини инобатга олиб, инфляция даражаси кескин ошиб кетиши содир бўлганда инфляция даражасини ҳисобга олиб инвестордан тўлаб берилишини талаб қилиш ва мулкый-мажмуа сифатида сотиладиган бино ва иншоотларни сотиш, асбоб-ускуналарни ижарага бериш ҳамда сотиш тўғрисида тузиладиган шартноманинг тегишли бандида кўзда тутиш лозимлиги тўғрисида ўз таклифини берди.

Музокарага чиққан акциядорлар ишлаб чиқариш жараёнини ишлатиш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида маълумот беришни ва бу бўйича “SHOVOT TEKSTIL” МСНҲ ҚК сидан кафолот хати талаб қилишни ҳамда йирик битим тузиш ишлари 2020 йил



15 августдан кечиктирмасдан тузиб, корхонани капитал таъмирлаш чораларини кўришни талаб қилдилар.

Йиғилишда раислик қилувчи Қ. Ғоипов акциядорлардан мазкур масала юзасидан ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

“Ёклаганлар” – 248 004 та овоз билан 64,64%; “Қаршилар”- йўқ;  
“Бетарафлар”-йўқ.

**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги йигирма иккинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 сентябрдаги “Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришларини янада ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги 744-сонли қарори ижроси таъминлансин.

2. Жамият ижроия органи раҳбарига қуйидаги ҳолатларда йирик битим тузишга розилик берилсин:

- “Янгибозор пахта тозалаш” АЖ нинг ишлаб чиқариш бино ва иншоотларини ҳамда жамият қошидаги ва жамиятга қарашли “Боғолон” пахта тайёрлов маскани бино-иншоотларини "SHOVOT TEKSTIL " МСНУ ҚК га баҳоланган бозор қийматида сотишга;

Бунда, мулкый мажмуа сифатида сотиш бўйича шартномасига тўловларни 5 йил муддатда бўлиб тўлаш (тенг миқдордаги йиллик тўловлар) шarti билан киритилишига;

- Асбоб-ускуналарни ва бошқа асосий воситалари белгиланган тартибда ижарага беришга ва сотишга розилик берилсин.

- Амалга оширилган ишлар тўғрисида “Хоразм минтақавий пахта терминали” МЧЖ ва “Ўзпахтасаноат” АЖ га маълумот киритиб борилсин;

- “Янгибозор пахта тозалаш” АЖ ва жамиятга қарашли пахта тайёрлов масканларининг мол-мулки сотилиши ҳисобига ҳосил бўладиган солиқлар ўз вақтида ҳисобланиб давлат бюджетига тўланиши таъминлансин.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар эълон қилинганидан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Қ. Ғоипов акциядорларга уларнинг иштироки учун миннатдорчилик билдириб, йиғилишни ёпиқ деб эълон қилди.

Йиғилиш раиси:

Йиғилиш котиби:



*Handwritten signatures in blue ink, one above the other.*

Қ.Ғоипов

Р.Жумамуратов

Йиғилиш баённомаси

2020 йил 17 август куни икки нусхада тузилди.